

ШАРТНОМА № 26229

Пахтаобод тумани

« 05» август 2022 й

Ўз Низомига асосан фаолият юритувчи “SOXIBJON MAQSADLARI” МЧЖ бундан буён «Бажарувчи» деб юритилади, унинг номида раҳбар А.Долимов бир томондан ва Пахтаобод туман 25-сонли мусиқа ва санъат мактаби номидан унинг раҳбари А.Абдулазизов иккинчи томондан бундан буён «Буюртмачи» деб юритилади, қуйидаги мазмунда шартнома туздик:

1. Шартнома предмети.

1.1 “Бажарувчи” ўзига тегишли булган ва келишилган қуйидаги молларни таклиф этади, “Буюртмачи” эса ушбу хизматларни қабул қилиб олиб, ҳисоб китоб қилади

№	Наименование товаров	Единицы измерения	Кол-во	Договорная цена за ед.	Сумма договора
1	Том ва фасад қисмларини жорий таъмирлаш ишлари	Усл.ед	1	136 700 000,00	136 700 000,00
	Итог:				136 700 000,00

Шартноманинг умумий суммаси: 136 700 000,00 (Бир юз ўттиз олти миллион етти юз минг) сўмни ташкил этади.

2. Шартнома баҳоси ва ҳисоб китоб тартиби.

2.1. Ҳисоб китоб «Буюртмачи» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.2. Шартнома кучга киргандан сўнг 5 банк иш кунида «Буюртмачи» бажарувчи бериладиган хизматларнинг умумий суммасининг 30 % миқдоридagi суммани олдиндан аванс тариқасида “Бажарувчи”нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. Қолган охириги 70 % тулов “Бажарувчи” томонидан бажариб берилган хизматларнинг далолатномалари асосида 10 кун ичида ўтказиб беради.

2.4. «Буюртмачи» томонидан 30 % тулов олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг «Бажарувчи» 15 банк иш куни давомида мазкур шартномада кўрсатилган миқдорда ва нархларда хизматларни «Буюртмачи» га бажариб беради.

3. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

3.1. Томонлар бошқа томоннинг ҳужжатини расмийлаштирмаслиги ёки нотугри расмийлаштириш учун жавобгар эмасдирлар.

3.2. «Бажарувчи» ҳуқуқлари ва мажбуриятлари:

- Берилган буюртманомага мувофиқ бажарувчи берилган “Товар (хизмат)”ни қабул қилиш асосиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

- Агар “Товар (хизмат)”ни бажарувчи бериш жараёнида “Бажарувчи” шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса “Буюртмачи”нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 3 кун муддатда бепул тузатиб беришга мажбурдир.

3.3. «Буюртмачи» ҳуқуқлари ва мажбуриятлари:

- Камчиликларни бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар “Буюртмачи” ёки учинчи шахслар томонидан тугриланишини харажатларини қопланишини талаб қилишга;

- Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қопланишини “Бажарувчи”дан талаб қилиш ҳуқуқига эга.

4. Томонларнинг жавобгарлиги.

4.1. “Товар (хизмат)”ни белгиланган вақтда бажариб бермаганлиги учун “Бажарувчи” “Буюртмачи”га ўтиб кетган муддатнинг ҳар бир банк куни учун бажарувчи берилмаган хизматнинг қийматидан 0.1 % миқдорида, лекин шартноманинг 10 % дан ортмаган миқдорида жарима тўлайди.

4.2. “Товар (хизмат)”ни бажарувчи бериш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятларини бажарилиши рад этилганлиги учун “Буюртмачи”га белгиланган устамалардан ташқари бажариб берилиши керак бўлган “Товар (хизмат)”нинг 20 % миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари “Буюртмачи”га “Товар (хизмат)”ни бажариб беролмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

4.3. “Товар (хизмат)”ни бажарувчи бериш кечиктирилган ёки тўлиқ бажарувчи берилмаган тақдирда “Бажарувчи” “Буюртмачи”га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурий бажарилмаган қисмининг 0.5% миқдорида пеня тўлайди. Бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарувчи берилмаган “Товар (хизмат)” қийматининг 50% дан ортиқ бўлмаслиги керак.

4.4. Бажарувчи берилган “Товар (хизмат)” учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда “Буюртмачи” “Бажарувчи”га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4% миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50% дан ортиқ бўлмаслиги керак.

5. Низоларни ҳал этиш тартиблари

5.1. Келишмочиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда улар судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Келишув билан ҳал қилинмайдиган низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан белгиланган тартибда ҳал қилинади.

6. Форс – мажор.

6.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар «ёнгин, сув тошқини, шу каби бошқа ҳолатларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари», агар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади.

6.2. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан дарҳол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

7. Бошқа шартлар.

7.1. Шартнома тузиш ва уни бажаришда юзага келадиган низолар белгиланган тартибда ҳужалик суди томонидан ҳал қилинади.

7.2. Шартнома ҳар иккала томоннинг бевосита келишувига биноан бекор қилиниши мумкин.

7.3. Барча узгартириш ва қушимчалар ёзма равишда расмийлаштирилган ҳамда ҳар икки томонларнинг ваколатли вакиллари имзоси ва муҳрлари бўлган тақдирда ҳисобга олинади.

7.4. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, унинг бир нусхаси «Бажарувчи» да иккинчи нусхаси «Буюртмачи»да сақланади.

8. Шартнома амал қилиш муддати.

8.1. Шартнома имзоланиб тегишли Ҳазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтган кундан кучга кириб, «31» Декабрь 2022 йилгача амал қилади.

9. Томонларнинг ҳуқуқий манзили ва банк реквизитлари.

«Бажарувчи»

«Буюртмачи»

“SOXIBJON MAQSADLARI” МЧЖ

Пахтабод тумани 25-сонли мусиқа ва санъат мактаби

(бажарувчи берувчи номи)

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Пахтабод тумани, Бойгупи МФЙ

Манзил: Пахтабод тумани

Тел:

Тел/факс _____

Х/Р

Х/Р 20208000305074190001

ИНН: 306 412 147

МФО: 00657

Банк номи: “Пахтабод тумани ДТ Халк банки

ШХР 100022860032327096600056002

ИНН: 206 979 891

МФО: 00014

Банк номи: Марказийбанк тошкент ш.ХККМ

Пахтабод ф.

ХР: 23402000300100001010

ХХТУТ: 71124

Раҳбар А.Долимов

Раҳбар А.Абдулазизов

(имзо)

(имзо)

(ф.и.о)

Юрист хулосаси: Шартнома Ўзбекистон Республикасининг «Ҳужалик Юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида»ги Қонуни, ҳамда Фуқаролик Кодекси талабларига мувофиқ тузилган деб ҳисоблайман.

Юрист: К.Кошилов

(имзо)

(ф.и.о)

Лицензия рақами: _____